



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 6-aprel • Seshanba • 41 (31.161) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • e-mail: info@uzbekistonovozi.uz • www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистон минтақавий ривожланишининг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

— Сизнинг минтақамиз давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ташрифининг муҳим аҳамиятга молик воқеа ва БМТнинг Марказий Осиёга катта эътиборидан далолат, деб биламиз. Бу ташриф барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, изчил ривожланиш, сув-энергетика, минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда минтақамиз халқларини ташвишга солаётган бошқа кўплаб масалаларни муҳофаза қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Президентимиз.

муаммоларни бартараф этиш, Орол денгизи ҳалокати оқибатларини енгилаштириш масалалари, шунингдек, замонавий халқаро муносабатларнинг бошқа кўплаб йўналишлари долзарб вазибалар сифатида белгиланган. Мамлакатимиз кўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди ва БМТнинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш бўйича турли дастурларини амалга оширишда самарали ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилаётган Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан БМТ Бош ассамблеяси ўтган йилнинг декабрь ойида БМТ ва ШХТнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Бундай нуфузли халқаро ташкилотларнинг улкан таъриби ва салоҳиятини самарали тарзда бирлаштириш халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда янги истиқболлар очилишига хизмат қилади.

Депутатлар билан учрашув



Жамият тараққиётида ёшларнинг ўрни

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг Маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Қонунчилик палатаси депутатлари шаҳарча ҳудудидagi маҳаллалар оқсоқоллари, маслаҳатчилари,

олий таълим муассасалари, ўрта махсус билим юрлари, мактаблар раҳбарлари, ўқитувчилар ушбу масаланинг турли жиҳатлари ҳақида фикр алмашди.

Давра суҳбатини очар экан, шаҳарча ҳокими Рўзимурод Чориев кўтарилаётган мавзу бугун нақадар долзарб эканини таъкидлади. Ёшлар учун мамлакатимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, улар билан ишлашнинг янги механизмлари юзасидан фикр билдирди.

...эртанги кунимиз учун, болаларимизнинг бахти учун меҳнат қилиш, фидойилик кўрсатиш — бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир...»



Ҳужжат имзоланди

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

воситалари вакиллари учун қисқача баёнот берди. Қуйида ана шу баёнот матни эълон қилинмоқда:

Жаноби Олийлари, Ишончим комилки, ҳозирги замонда ўз-ўзидан ечиладиган ёки БМТга аъзо муайян давлатнинг ёлғиз ўзи ҳал эта оладиган бирон-бир масала йўқ. Бунда терроризм, наркотиклар ноқонуний айланиши каби таҳдидларни, шунингдек, иқлим ўзгариши, табиий офатларни бартараф этиш учун коллектив ёндашув талаб этилади, бу айниқса минтақавий даражада муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. БМТнинг қатор бўлиналари, хусусан, Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия (ЭСКОТО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, шунингдек, табиийи, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ШХТ билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

БМТ Бош котибининг ташрифи

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 4-5 апрель кунлари мамлакатимизда бўлди.

БМТ Бош котиби дастлаб Нукус шаҳрида Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдимот маросимида иштирок этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ташкилотнинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароит яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Сиёсий партия ютуғи, мағлубияти...

Аллергия хуружи

Чўнтакдаги телефон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

1 Австралия доллари	1433,71
1 Англия фунт стерлинги	2376,60
1 Дания кронаси	282,81
1 БАА дирҳами	423,84
1 АҚШ доллари	1556,69
1 Миср фунти	282,83
1 Исландия кронаси	12,24
1 Канада доллари	1545,56
1 Хитой юани	228,09
1 Малайзия ринггити	481,95
1 Польша злотийси	548,69
1 СДР	2361,28
1 Туркия лираси	1030,51
1 Швейцария франки	1469,55
1 Евро	2105,11
10 Жанубий Корея вони	13,82
10 Япония ненаси	164,92
1 Россия рубни	53,28
1 Украина гривнаси	196,43

Дунё бўйлаб 6 апрель об-ҳавоси

Лондон	14°C
Париж	15°C
Москва	7°C
Мадрид	16°C
Пекин	14°C
Гонконг	31°C
Рим	20°C
Анқара	17°C
Токио	19°C
Стокгольм	9°C
Кейптаун	39°C
Қоҳира	32°C
Гавана	31°C
Вашингтон	11°C
Нью Йорк	10°C

Юртимизда

Тошкент	27°C
Самарқанд	26°C
Нукус	23°C
Қарши	29°C
Урганч	23°C
Навоий	26°C
Фарғона	25°C
Бухоро	26°C
Андижон	25°C
Наманган	25°C
Термиз	31°C
Жиззах	26°C
Сирдарё	26°C
Тошкент вил.	26°C

O'zbekiston havo yo'llari

Хизматлар лицензияланган

